2012 йил 4 декабрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 236 (12.297)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2012 йил 5 декабрь куни Ашхобод шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДҲ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

***Бельгиянинг Кортрейк шаҳри маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тақдимот маросими ҳамда унинг доирасида «Мустаҳкам оила йили» мавзуидаги суратлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Брюсселдаги дипломатия миссияси ва Бельгиянинг «Spoetnik» хорижий мамлакатлар билан алоқалар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.***

## КОРТРЕЙКДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Тақдимот чоғида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ҳаётининг барча соҳалари қонун йўли билан ҳуқуқий бошқарилишини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Конституциясининг асосий мазмуни ҳамда Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари мобайнида қўлга киритган муваффақиятлари билан атрофлича маълумотлар Бельгия ва Нидерландиянинг расмий, ишбилармон доиралар ҳамда жамоатчилик вакилларининг эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти давомида мамлакат парламентининг, сиёсий партиялар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идоралари, мустақил оммавий ахборот воситаларининг ўрни мустаҳкамланганини баробарида уларнинг аҳамияти ҳам ошди.

Шунингдек, «Мустаҳкам оила йили» давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ҳамда мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий мероси ва улкан сайёҳлик салоҳиятига доир маълумотлар ҳам тақдимот қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

«Spoetnik» хорижий мамлакатлар билан алоқалар уюшмаси президенти Бетти Лапорте Бельгиянинг Ўзбекистон билан, шу жумладан, шериклик алоқалари йўлга қўйилганига 20 йилдан ошган Кортрейк ва Тошкент шаҳарлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожини ижобий баҳолади. Б. Лапорте хонимнинг қайд этишича, мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда кенг қамровли ўзгаришлар рўй берди. «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси мамлакат халқи барпо этаётган демократик давлатга мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда», деди у.

«Мустаҳкам оила йили» мавзуига бағишланган суратлар кўргазмасида эса ўзбеклар заминининг гўзаллиги ва бойлиги, атроф-муҳити ранг-баранглиги, мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари шаҳарларида жойлашган ноёб маданият ва меъморчилик ёдгорликлари ўз аксини топди. Таниқли ўзбек сураткашларининг мазкур ижод намуналари билан бир қаторда халқ амалий санъати усталари томонидан яратилган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Кортрейк шаҳар мэриясининг вакиласи Катлин Ван Ломбеек хоним мамлакатимизнинг сўнгги йиллар давомидаги тараққиёти жараёнларини диққат билан кузатиб бораётганини маълум қилди. «Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштиришга, иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга моликдир», деди у. Ломбеек хонимнинг маълум қилишича, мазкур шаҳар аҳолиси ўзаро танишув ташрифлари, кўргазмалар, концерт ва илмий-амалий конференциялар ташкил этилиши йўли билан Кортрейк ва Тошкент ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ғоясини қўллаб-қувватлайди.

**«Жаҳон» АА**
**Кортрейк шаҳри**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2012 йил 5 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




Ёлкин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Энг намунали Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган ташкилотлар вакилалари иштирок этди.***

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

## ФАОЛ ВА ФИДОЙИ АЁЛЛАР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ҳам оилани мустаҳкамлашда аёлларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу борадаги кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 41 мингдан ортиқ бошланғич хотин-қизлар ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. «Энг намунали Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» республика кўрик-танлови улар фаолиятини атрофлича ўрганиш, аёллар манфаатларини ҳимоялашдаги иштирокини янада кучайтириш, бу борадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ташкил этилган.

Танлов жараёнида Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотларининг оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, турли идора ва ташкилотлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик ўрнатиш ишларига баҳо берилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Ғолиблар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, умумтаълим мактаблари, коллеж ва академик лицейлар, олий таълим масканлари, тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотлардаги Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти сингари номинациялар бўйича аниқланди. Биринчи ўрин мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган ўттиз учта бошланғич хотин-қизлар ташкилотига насиб этди.

– Корхонамизда салкам бир минг тўрт юз нафарга яқин ходим ишлайди, – дейди Хотин-қизлар қўмитасининг Қўнғирот сода заводидаги бошланғич ташкилоти раиси Галия Қолжонова.– Уларнинг тўрт юз нафари аёллар. Опа-сингилларимиз учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ёш болали аёллар учун қисқартилган иш соатларини жорий этиш, имтиёзли соғломлаштириш, корхона ҳудудига яқин коллежлар битирувчи қизларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Очиқ мулоқот

## ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Ўлкамизда қиш фасли ҳам бошланди. Об-ҳаво ҳарорати пасайиши, ёғин-сочинли кунларнинг келиши билан шаҳримиздаги кўп қаватли турар жой бинолари, маданий ва маиший объектлар, хонадонлардан ташкил топган маҳаллаларда коммунал хизматлар, табиий газ таъминоти ва бошқа йўналишлардаги олиб борилаётган ишлар ҳамда бу борадаги баъзи муаммоларни бартараф этиш мақсадида **Тошкент шаҳар ҳокимлиги бугундан эътиборан ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари туманлар ҳокимлари ва уларнинг тегишли хизматлари раҳбарлари иштирокида «Toshkent teleradiokanali» орқали тўғридан-тўғри «Очиқ мулоқот»лар ташкил этишни йўлга қўйди. Таъкидланганидек, бугун дастлабки «Очиқ мулоқот» Миробод туманида бўлди.**

Юртимизда қиш мавсуми бошлангани ва аҳолининг барча саволларига бевосита жавоб қайтарилиб, муаммоларининг ҳал этилиши муҳимлигини инобатга олиб ушбу кўрсатувлар жонли тарзда эфирга узатилади. Уларда туман ҳокими ва бошқа мутасадди раҳбарлар иштирок этишади. Кўрсатув давомида берилган ва аҳолидан келиб тушган барча саволлар мониторинг қилиб борилади ва уларнинг бирортаси ҳам жавобсиз қолдирилмайди. Кўрсатувда жавоб беришга улгурилмаган саволларга ҳокимлик веб-сайти орқали тўлақонли жавоблар бериб борилади ва уларнинг ижроси назоратга олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, икки ой давомида бўлиб ўтадиган очиқ мулоқотларда фуқаролар ўзларини қизиқтираётган барча саволларига жавоб олиш имкониятига эга бўладилар.

### Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Сиз қуйида келтирилаётган жадвал асосида белгиланган кунлари соат 19:00 дан 21:00 га қадар туманлар раҳбарларига юқорида таъкидланган барча масалалар бўйича **214-16-97, 214-16-98, 214-16-99** телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

| Т-р | Туманлар | «Очиқ мулоқот» куни | Иштирокчилар |
|---|---|---|---|
| 1. | Мирзо Улуғбек тумани | 6.12.12 | Туман ҳокими, ХУЖМШ уюшмаси раҳбари, ободонлаштириш бошқармаси, электр, газ, иссиқлик таъминоти, «Махсустранс» ИЧБ ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари |
| 2. | Олмазор тумани | 11.12.12 | |
| 3. | Сергели тумани | 13.12.12 | |
| 4. | Учтепа тумани | 18.12.12 | |
| 5. | Чилонзор тумани | 20.12.12 | |
| 6. | Юнусобод тумани | 25.12.12 | |
| 7. | Ҳамза тумани | 8.01.13 | |
| 8. | Бектемир тумани | 10.01.13 | |
| 9. | Шайхонтоҳур тумани | 15.01.13 | |
| 10. | Яккасарой тумани | 17.01.13 | |
| 11. | Тошкент шаҳар | 24.01.13 | |

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**
**Ахборот хизмати.**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқанд шаҳрида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Цукуба ва Васеда университетлари (Япония) ҳамкорлигида «Оила институтини мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзуида халқаро илмий-амалий давра суҳбати ўтказилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси полигонида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси курсантларининг Ватанга содиқлик қасамёдини қабул қилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

**● Миллий матбуот марказида «Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик фаоллигини оширишда матбуотнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда талабалар иштирок этди.**

**● Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Исроилнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида даволовчи жисмоний тарбия биноси очилди. Бинодаги сузиш ҳавзасида сув мўътадил ҳароратда сақланиб, ундаги оқим гидроуқалаш муолажасини ўтказади. Югуриш ва юриш йўлакчалари, автоматлаштирилган тренажёрлар таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бор болалар учун қўл келади.**

### ЖАҲОНДА

**● 1912 йилнинг 12 апрелида машҳур «Титаник» кемасини ҳалокатга учратган музлик сурати кимошди савдосига қўйилди. Суратнинг дастлабки баҳоси 10 минг доллар миқдорида белгиланди. Экспертларнинг фикрича, музликнинг ғайриоддий кўриниши ҳақиқатан кема чўкишига сабабчи бўлганини исботлаб турибди. Суратга кема ҳалокатига гувоҳ бўлганларнинг имзолари ҳам қўйилган. Айтишларича, сурат кема навбатчиси Фредерик Флит ҳамда денгизчи Жозеф Скаррот томонидан яратилган. Суратнинг тепасига «Мовий музлик» деган жумла битилган.**

**● 2012 йили Францияда ишсизлар сони сўнгги 14 йил ичидаги энг юқори кўрсаткич — 3,1 миллион кишини ташкил қилди. Эслатиб ўтамиз, октябрь ойида бир неча катта корхоналарнинг касодга учраганлиги туфайли ишсизлар 45.000 кишига кўпайган эди. Меҳнат вазирлигининг хабар беришича, мамлакатнинг иқтисодий муаммолари туфайли ишсизлар сони янада ортиши мумкин экан. Бироқ ҳукумат иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва бандликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар 2013 йилга келиб, ўз натижасини беради, деб умид қилмоқда.**

**● Аляска соҳилларида 5,8 магнитудали зилзила содир бўлди. Табиий офат вақтида ўша ерда бўлган шахсларнинг айтишича, ер қимирлаши Анкориджа ва шаҳар атрофидаги ҳудудларда 30 секунд давом этган. Зилзила оқибатидаги вайрона ҳамда жабрланганлар ҳақида хабарлар берилмаган.**

**● Америка компанияларидан бири 60 сутка давомида ўз сифатини ўзгартирмайдиган янги нон ёпиш усулини ишлаб чиқди. Бундай нон микротўлқинли печдан ўтганда унинг нурлари хамир таркибидаги мавжуд моғорлашга олиб келувчи моддаларни ўлдиради.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлом авлодни тарбиялаш оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги устувор вазифалар, эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан хайрия акцияси ўтказилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бизнес-консультантлар уюшмаси томонидан Савдо-саноат палатаси кўмагида ташкил этилган «Uzbekistan Brand Award – 2012» республика кўрик-танлови якунланди.

Тошкент
vto2007@mail.uz


*Конституция — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори.*

*Ислом КАРИМОВ*

# ҲУҚУҚ, ЭРКИНЛИК ВА БУРЧЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ




***«Конституция» сўзи лотинча «констанс», «константис» сўзларидан олинган ва у луғавий жиҳатдан «белгилаш», «қарор қилиш», «тайинлаш», «қонунлаштириш» деган маъноларни англатади.***

***Юридик атама сифатида эса «конституция» деб бирон-бир давлатнинг юридик кучга эга бўлган асосий қонунига айтилади. У мамлакатдаги барча жорий қонунларнинг асоси ҳисобланади. Бошқача айтганда, барча қонунлар Конституция асосида қабул қилинади. Фақат конституциявий қонунлар – бундан мустасно. Чунки конституциявий қонун қабул қилинса, энди унинг асосида Конституциянинг у ёки бу моддасига ўзгартириш ёки қўшимча киритишга тўғри келади.***

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган.***

***Шунинг учун бу сана ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. У, худди Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги куни сингари, муҳим сиёсий байрам ҳисобланади.***

***Конституциямиз муқаддима, жами 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат.***

## Истиқлол анъанаси

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали йиғилишда бир йил мобайнида Конституцияга амал қилиш, қонунларни такомиллаштириш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ютуқлар эътироф этилади.

1996 йилдан бери ҳар йили Юртбошимиз ана шу тантанада кейинги йилнинг қандай йил бўлишини эълон қилади. Маърузада ўтаётган йил юзасидан қабул қилинган Давлат дастурининг ижроси ҳам таҳлил қилинади. Кириб келаётган йилни шундай номлашдан кўзланган мақсадларни баён этиб, кейинги йил учун қабул қилинажак Давлат дастурининг йўналишларини белгилаб беради.

## Такомиллашиш жараёнлари

Конституция давр талаблари асосида доимий ривожлантириб борилиши мумкин бўлган муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Яъни шу асосда Асосий Қонунимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкинлиги унинг олтинчи бўлимидаги 127 – 128-моддаларда белгилаб қўйилган. Шунга кўра, ўтган 20 йил мобайнида Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрида қабул қилинган қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартириш киритилди.
2. 2002 йил 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелида қабул қилинган қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелида қабул қилинган қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилди.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрида қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилди.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрелида қабул қилинган қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрида қабул қилинган қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддаси иккинчи қисмига тузатиш киритилди.

## Миллийлик ва умуминсонийлик

Конституциямизда миллий хусусиятлар билан умуминсоний хусусиятлар ўзаро уйғунлашган. Умуминсоний хусусиятлар умумлашганининг бир белгиси шуки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин халқаро ҳужжатлар ичида биринчи бўлиб 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га аъзо бўлган. Бу, *мамлакатда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қоидаларига қатъий амал қилиш кафолатланади,* деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам орадан бир йил ўтганидан кейин қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги талаблар тўлиқ инобатга олинган.

Конституциямиздаги миллийлик шундан иборатки, 64-моддада ота-оналарнинг фарзанд олдидаги масъулияти айнан миллий менталитетимиздан келиб чиқиб белгиланган:

«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди. Болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради».

Бундай модда бошқа давлатлар конституцияларида ҳам бўлиши мумкин. Чунки ҳамма ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланади. Лекин 66-моддада бошқа масала ҳал қилинган:

«Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».

Биз – кексаларимизни ҳурмат қиладиган, ота-онамиз қариганида уларга хизматларини бажонидил қайтарадиган халқмиз. Демак, 66-моддада халқимиздаги, миллатимиздаги ана шу қадрият қонунийлаштирилган. Бундай модда камдан-кам давлат конституциясида мавжуд.

## Инсон ҳуқуқлари

Конституциямизнинг 18-46-моддалари инсон ҳуқуқларини тартибга солади, кафолатлайди. Лекин Конституциянинг бошқа моддаларида ҳам, яъни Бош Қомусимизда тўлалигича инсон ҳуқуқлари ҳимояланган. Чунки Асосий Қонунимизда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг у ёки бу моддасига зид келадиган бирон-бир модда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқлари муҳим конституциявий институт, бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидлари ва ҳозирги замон тараққиётининг асоси ва давр талаби ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш Конституциямизнинг бош мақсадига айланган.

Мустақиллик йилларида республикамизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди ва ушбу соҳадаги ислоҳотлар ўзининг янги босқичларига кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатлари борасида олиб борилаётган ислоҳотлар Президентимиз томонидан белгилаб берилган қуйидаги беш стратегик йўналиш бўйича амалга оширилмоқда:

– инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;

– инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

– судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

– қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

– аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маънавиятини ошириш.

Юқорида кўрсатилган стратегик йўналишлардан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида юртимизда ташкил топган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд Омбудсман институти, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ҳуқуқий институтлар жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янги сифат даражасига кўтаришга хизмат қилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини назорат қилишнинг янги самарали механизмлари барпо этилди.

## Фуқаро маънавияти

Табиатки қонунлар асосида яшар экан, инсонлар ҳам қонунлар асосида кун кечиради. Чунки инсон эҳтиёжлари шу қадар чексиз...

Ҳар қандай жамият, ҳар қандай замонда, даражасидан қатъи назар, муайян қонун-қоида бўлади. Бу қонун-қоидалар одамларга яшаш учун имкониятлар, яъни ҳуқуқ ва эркинликлар беради, улар зиммасига бурч ва масъулиятлар юклайди, шунингдек, уларни нималардандир чеклайди. Бу қонунлар жамият аъзоларининг йиллар давомида шаклланган тажрибаларига, яшаш тарзининг ўзига хослигига суянган ҳолда тузилади.

Бунга ҳуқуқий қонунлар дейилади.

Мана, икки асрдан ошяптики, кўп мамлакатларда Конституция давлатнинг асосий қонуни янглиғ қабул қилинади, бошқа барча қонунлар шу асосий қонунга мос равишда тузилади (конституциявий қонун бундан мустасно).

Бугун ҳар қандай давлатга ўз қонунларининг адолатлилик даражаси, инсоният тараққиётининг XXI аср бошларидаги илғор ақидаларига қанчалар мослиги, энг муҳими, ана шу кучда бўлган ҳуқуқий қонунларга нечоғли амал қилинаётганига қараб баҳо берилади.

Шу маънода, айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича жуда катта муваффақиятларга эришди. Чунки истиқлолнинг дастлабки бир йили мобайнидаёқ давлатимизнинг Асосий Қонуни – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ишлаб чиқилди, кенг муҳокама этилди ва 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинди. Унга мос равишда яна 600 га яқин қонун қабул қилиниб, кучга киритилди.

Конституциямиз, аввало, ўзида миллий хусусиятларимизни акс эттиради, иккинчидан, у жаҳон андозаларига мос келади. Бу ҳақда кўп гапирилгани учун бу гал биргина муайян масала юзасидан фикр-мулоҳаза юритсак. Чунки биз Асосий Қонунимизнинг ҳар бир банди, жумласи, ифодаси, сўзи ҳақида ўйлашимиз, уни тушуниб олишимиз, унга амал қилишимиз зарур ва шарт.

Кўриниб турибдики, Конституция у жиҳатдан ҳам, бу жиҳатдан ҳам бевосита шахсга – инсонга, демакки, унинг маънавиятига боғлиқ.

Ўзбекистон халқи ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Конституциямизни, унинг муқаддимасида қайд этилганидек, жумладан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда қабул қилган. Худди шу ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги масъулият юксак инсоний маънавият белгисидир.

## Олий қадрият

Биз энг олий қадрият деганда нимани тушунамиз? Бу Конституциямизда қонун тили билан аниқ ифодалаб, белгилаб қўйилган: *«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»* (13-модда).

Инсоният шунча асрлардан буён такомиллаша-такомиллаша қўлга киритган бир ютуқ бор. Бу – қонуний жамият барпо этиш. Ўзбекистон шу мақсад йўлида собит бормоқда.

Очиғини айтганда, бу дунёда қонунларга бўйсунган ҳолда ҳаёт кечираётган одамдан хотиржамроқ кимсани топиш – қийин.

Қонун амал қилмаган ерда бошқа – муайян гуруҳ ўртасида ўзаро келишиб туриб йўлга қўйилган қоидаларга амал қилиш бошланади. Ҳолбуки, давлат қонунларига мос келмайдиган қоидалар яратиб олишга ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Энг муҳими, қонун ҳамма учун бирдай кучга эга ва барча фуқароларга, уларнинг *«жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсидан қатъи назар, қонун олдида тенг»*лик (18-модда) ҳуқуқи берилган. Ҳатто, имтиёзлар ҳам бизда *«фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт»* (ўша модда).

Ҳар қандай устунлигидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўзини, *мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси,* деб ҳис қилиши – инсоният асрлар мобайнида улуғлаб келаётган юксак бир қадрият, ўзига хос маънавиятдир.

Бу нимага олиб келади? Конституциямизнинг 20-моддасида қайд этилганидек, бу ҳаёт кечиришнинг моҳиятини ифодалайди: *«Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».* Яшашнинг бошқаларга зиёни тегмайдиган йўлларидан юриш ҳам – юксак маънавият. Конституциямизнинг кўп моддалари моҳияти ана шундай миллий орзу-интилишларимизни ифодалайди.

*Маънавият – бурч, маънавият – масъулият,* деймиз. Жуда тўғри эътироф.

Шундай экан, маънавият – мажбурият ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар биримизга, ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга, фуқаро сифатида алоҳида мажбуриятлар ҳам юклашини унутмаслигимиз керак.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**филология фанлари номзоди**

# ЁШЛАР МАНФААТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ёш фуқаролари Конституция ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлиқ фойдаланадилар. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини уларнинг ёшига қараб бевосита ёки билвосита чеклаб қўйишга йўл қўйилмайди ва бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.***

Конституциямизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг 64-моддасида эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур экани, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга йўналтирилган хайрия фаолиятини рағбатлантириши қайд этилган. Конституциянинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланган.

Миллий хусусиятларимиз — қадриятларимиздан келиб чиқиб, ушбу Конституцияни қабул қилганимизда, аждодларимиз қолдирган бой меросни ўрганиш, маънавиятимиз ва қадриятларимизни янада юксалтириш асосида бугунги ва келажак авлодларимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши учун ҳам жон куйдирганмиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, Конституция борасидаги билимларини янада мустаҳкамлаш ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқувчи ва талаба-ёшлар иштирокида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар ва конференциялар ўтказиб келинмоқда, илмий мақолалар, дарслик ва қўлланмалар нашр этилмоқда. Жумладан, ҳар йили ўтказиладиган «Сен қонунни биласанми», «Конституция — бахтимиз пойдевори» каби мавзулардаги ҳуқуқий тадбирлар минглаб ёшларни қамраб олмоқда ва ҳуқуқий маданиятини оширмоқда.

Албатта бунда Юртбошимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида мамлакатимизнинг барча таълим-тарбия тизимида ҳуқуқий билимлар беришга катта эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида соғлом, баркамол, эртанги кун эгаларини — янги авлодни тарбиялаш, улғайтириш вазифаси ётибди. Шу маънода ёшларга таълим бериш ва уларнинг билим олиш ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги эътибори ва эътирофига тушганлиги ҳам бежиз эмас. Амалга оширилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи Ўзбекистон Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги (1991), «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (1992) қонунлар, бир қатор кодекслар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури (1997) қабул қилинди. Бу даврда Ўзбекистон вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди.

Таълим соҳасида яна шуни ҳам қайд этиш мумкинки, таълим муассасалари ҳисобланган мактаб ишлари ҳам давлат назоратидадир. Мамлакатимизда ёшларга ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги ифодаси сифатида Конституциямизнинг 18-моддасига мувофиқ Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Бу конституциявий қоида табиийки, ёшларга ҳам бирдек тааллуқлидир. Ёшлар касб-ҳунар танлашда, меҳнат қилишда, билим олишда, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда конституциявий ҳуқуқ ва кафолатлардан тенг фойдаланадилар.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, Конституциямизда ва амалдаги қонунчилигимизда ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашнинг мустаҳкам кафолатлари яратилган. Мамлакатимизда ёшлар манфаати йўлида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ишлар, шунингдек, қонунчилигимиздаги имтиёз ҳамда кафолатлар ёш авлоднинг жамиятимизда муносиб ўрнини топишига кўмаклашиши шубҳасиз.

**Ойбекжон ҚОДИРОВ**

# КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

***Тошкент кимё-технологиялари институтида «Буюк мамлакатимизнинг Асосий Қонуни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юртлари, идоралар ва муассасалар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва талабалар иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраев, Тошкент шаҳар Хўжалик суди судьяси Д.Абдуқодиров ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз барқарорлиги ва фаровонлиги, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг асосий кафолати эканлигини таъкидлади.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизм шакллангани алоҳида таъкидланди. Асосий Қонунимиз изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигига асосланган Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган тегишли қонунлар доирасида фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берадиган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давра суҳбатида депутатлар ва бошқа иштирокчиларнинг ёшларимизни танлаган йўналишлари бўйича чуқур билим эгаллашга, бу борадаги фанлар ҳамда хорижий тилларни ўрганишга, келажак сари дадил қадам ташлашга ундайдиган маърузалари тингланди.

# КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси полигонида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси курсантларининг Ватанга содиқлик қасамёдини қабул қилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А.Мирзаев, Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғининг ўринбосари, подполковник А.Абдуллаев, ота-оналар номидан Р.Илёсова ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, жамоатчилик хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини муҳофаза қилиш бўйича юқори самарали тизим яратилди. Ички ишлар академиясида курсантларнинг чуқур билим олиши ва касбий кўникмага эга бўлиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, кенг ва ёруғ аудиториялар, маъруза заллари, замонавий техника воситалари улар ихтиёрига берилган.

Йил бошидан буён бир неча ўқув йиғинлари ўтказилиб, патруль-пост хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, фуқароларнинг кириш ва чиқишини расмийлаштириш, ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, жазоларни ўташ, ёнғин хавфсизлиги каби йўналишлар бўйича сержантлар тайёрланди. Айни пайтда олий курсларнинг кўплаб битирувчилари иш жойида хизмат вазифаларини муваффақиятли адо этмоқда.

Курсантлар Ватанимиз, халқимиз ва Президентимизга содиқлик қасамёдини тантанали равишда қабул қилдилар.

– Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, эл-юртга муносиб фарзанд бўлиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир, – дейди курсант Ф.Шарипов. – Мен Ички ишлар вазирлиги тизимида Ватанимиз равнақи учун хизмат қилиш, фуқароларимиз ҳаёти ва мулкини асраш, мамлакатимизда кучли, демократик, фуқаролик жамиятини қуриш ишига ўз ҳиссамни қўшишни истайман. Бунинг учун эса билимли ва жисмонан бақувват одамлар керак. Шу сабабли спорт билан мунтазам шуғулланмоқдаман, билимларимни ошириш устида ишлаб, психология ва хорижий тилларни ўрганмоқдаман.

**(ЎзА)**

